

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АМАНТУРДИЕВ ИКРОМ ҒУЛОМОВИЧ

**ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИК УЗОҚ ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИДА БИОТИК
ОМИЛЛАРГА ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ ВА
АЙРИМ БИОКИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ**

03.00.09-Умумий генетика

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Амантурдиев Икром Гуломович

Эколого-географик узок ғўза дурагайларида биотик омилларга толерантликнинг генетик жиҳатлари ва айрим биокимёвий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги. 3

Амантурдиев Икром Гуломович

Генетические аспекты толерантности к биотическим факторам и связь с некоторыми биохимическими показателями у эколого-географически отдаленных гибридов хлопчатника. 29

Amanturdiev Ikrom Gulomovich

Genetic aspects of tolerance to biotic factors and correlation with some biochemical parameters in ecologically-geographically distant cotton hybrids 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АМАНТУРДИЕВ ИКРОМ ҒУЛОМОВИЧ

**ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИК УЗОҚ ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИДА БИОТИК
ОМИЛЛАРГА ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ ВА
АЙРИМ БИОКИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ**

03.00.09-Умумий генетика

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/B98 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) манзилига ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyouet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бобоев Сайфулла Гафурович
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Набиев Сайдиғани Мухторович
биология фанлари доктори, профессор

Ахмедов Джамолхон Ходжахонович
биология фанлари доктори, профессор

Мадартов Бахром Кувандикович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» сентябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 22 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.)

Диссертация автореферати 2021 йил «13» сентябр кунини тарқатилди.
(2021 йил «13» сентябр даги 43 рақамли реестр баённомаси.)



А.А.Нариманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Б.Х.Аманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

Ш.Юнусханов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида турли биотик ва абиотик омилларнинг қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан пахта етиштиришда ва аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки, пахта толасидан ташқари чигитининг мойдорлиги ва оқсилга бойлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, дунё бўйича пахтани қайта ишлаш натижасида олинган чигит таркибида тахминан 10,8 триллион грамм оқсил олинди, 590 миллион одамнинг оқсилга бўлган эҳтиёжини қондира олади. Пахта чигитидаги заҳарли госсипол моддаси инсон учун пахта мойини истеъмолга яроқсиз ёки кавш қайтарувчи ҳайвонлар учун озукани сифатсиз бўлишига олиб келади¹. Шу сабабли кам госсиполли ёки зарарсиз шаклига эга, касаллик ва зараркунандаларга табиий бардошли навларни яратиш муҳим илмий амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда пахтачиликни янада ривожлантириш, пахта ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, турли стресс омилларга табиий бардошли янги навларини яратиш юзасидан кенг миқёсида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ғўзанинг жаҳон генофонди намуналарини дурагайлашга жалб этиш асосида генетик жиҳатдан бойитилган, касаллик ва зараркунандаларга табиий бардошли ғўза навларини яратиш юқори самара бермоқда². Ғўзада тезпишарлик, ҳосилдорлик ва тола сифати каби қимматли-хўжалик белгиларни янада яхшилаш билан бир қаторда биотик стресс омилларга толерант бўлган донорларни аниқлаш, госсипол моддасининг белгиларга бўлган таъсирини генетик механизмларини очиб бериш асосида бошланғич манбалар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз пахтачилик соҳасида юқори натижаларга эришилганлиги, биргина толани экспорт этганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, тезпишар, тола сифати юқори, вилт касаллигига бардошли янги ғўза навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида³ «юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тупроқ-иқлим, экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда госсипол бўлмаган ёки кам миқдорда бўлган ғўза навларини яратиш, турли эколого-географик дурагайлардан фойдаланиш, касаллик ва зараркунандаларга бардошли ғўза навларини яратиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги

¹ www.icac.org

² www.fao.org

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Фармони, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандида, ЎзР ВМ нинг 2019 йил 12 декабрдаги 985-сон «2020 йилда ғўза навларини жойлаштиришнинг ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги, 2020 йил 17 ноябрдаги 724-сон «Ёғ-мой маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 8-иловасида ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Ғўзада госсипол моддаси, шакллари ва аҳамиятини, турли зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларга нисбатан толерантлигини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: United State Agricultural Department, Agricultural Research Service, Southern Plains Agricultural Research Center (АҚШ), Institute of Plant Protection of the Chinese Academy of Agricultural Sciences, Cotton Research Institute (Хитой), Central Institute for Cotton Research Nagpur, The National Centre for Integrated Pest Management (Ҳиндистон), Agronomy Institute of Parana State (Бразилия), Australian Centre of International Agricultural Research (Австралия), Cotton Research Institute, Agriculture Research Institute (Покистон), Plant Protection & Pathology Research Institute (Миср), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ғўзанинг биотик стрессларга толерантлигини ўрганишга оид жаҳонда олиб борилган изланишлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ғўзанинг ҳосилдорлигига, толасининг сифатига илдиз чириш, вертициллёз ва фузариоз вилт, ғўза тунламининг таъсири аниқланган (Southern Plains Agricultural Research Center, АҚШ), +/- госсипол энантиомерларини назорат қилувчи аллель генлар аниқланган (The Texas A&M Institute for Plant Genomics and Biotechnology, АҚШ), ғўза тунламига бардошлилик бўйича молекуляр-генетик тадқиқотлар орқали геном структураси аниқланган (Institute of Plant Protection, Хитой) ва (National Centre for Integrated Pest Management, Ҳиндистон), ғўзанинг қимматли-хўжалик белгилари мужассам бошланғич манбалар яратилган (Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон).

¹Диссертация мавзуси доирасида хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.insectscience.org, www.bioone.org, <http://www.cottonscience.com>, <http://www.plantphysiol.org>, www.ars.usda.gov, www.icac.org ва бошқа манбаълар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда ғўзанинг биотик стресс омилларга бардошлилиги бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ғўзанинг турли қисмлари таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили ҳамда терпеноидлар, PR оксилларни аниқлаш; касаллик ва зараркунандаларга бардошлиликни таъминловчи генларни аниқлаш; госсипол миқдори ва энантиомери билан биотик стрессларга толерантлиги ўртасидаги боғлиқликни илмий асослаш; ғўза тунламига табиий бардошли ноёб генетик манбаларни яратишда эколого-географик ва генетик узоқ шаклларни дурагайлашдан кенг самарали фойдаланиш; чигитида зарарсиз (+)-госсипол энантиомери юқори намуналарни дурагайлашга жалб этиш ва биохилма-хилликни ошириш; қимматли-хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуига эга, касаллик ва зараркунандаларга табиий бардошли навларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзанинг турли қисмларидаги терпеноидлар миқдори, чигитдаги мойдорлик даражаси ва бошқа биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда касалликлар, зараркунандалар ва айрим ҳайвонларга таъсирини ўрганиш бўйича хорижда ҳамда мамлакатимизда турли илмий изланишлар олиб борилган. Масалан: бир қатор хорижлик изланувчилар G.Bottger et al. (1964), J.Jenkins et. al. (1966), M.Lukefahr et al. (1966), W.Yang et al. (1999), A.Bell (2000), S.Singh et al. (2002), H.Sharma (2005), R.Stipanovic (2005), K.Rathore (2006), МДХ бўйича И.Шапиро (1976), Н.Вилкова ва бошқ. (1975), Ч.Алибекова (1989), Л.Швецова (1991), Е.Ем (1993), шу билан бирга республикамиз олимлари С.Содиқов (1958), Р.Рахмонов (1959), Н.Нуримов (1972), О.Ҳасанов (1984), С.Алимухаммедов, Ш.Ходжаев (1989), А.Бобоназаров (1999), А.Баталов (2002), Дж.Мусаев (2006), С.Рахмонқулов (2010), Ш.Намазов (2014), И.Амантурдиев (2018), Т.Рахимов (2018), Р.Юлдашевлар (2019) назарий ва амалий тадқиқотларни амалга оширганлар. Шунингдек, ғўза ўсимлигида эколого-географик ва генетик узоқ шаклларни дурагайлаш юзасидан С.Мирахмедов (1977), А.Абдуллаев (1979), С.Ризаева (1995), П.Ибрагимов (2003), О.Кимсанбоев (2008), В.Автономовлар (2010) илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Бироқ, ғўзанинг вегетатив ва генератив органлари таркибидаги умумий ва (+)-(-)-госсипол миқдори, мойдорлиги ва бошқа биокимёвий кўрсаткичлари ҳар хил бўлган эколого-географик ва генетик жиҳатдан фарқланувчи турли авлод дурагайларининг айрим биотик омилларга (касаллик ва зараркунандалар) бардошлилик даражасининг ирсийланиши, шаклланиши ва қимматли-хўжалик белгилар билан генетик боғлиқлигини аниқлаш, табиий бардошли ашёларни яратишни илмий асослаш каби долзарб масалалар ўрганилмаганлиги ва механизмлари очиб берилмаганлиги боис ушбу тадқиқотларни амалга ошириш талаб этилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ халқаро грант USDA CRDF №Uzb 2-31001-

ТА-08 «Кавш қайтармайдиган ҳайвонларни боқишда фойдаланиш учун чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган ғўза навларини яратиш» (2008-2013), №КФ-5-015 «Янги генетик бойитилган ғўзанинг ноёб бошланғич шакллари донорлик қобилиятини аниқлаш услубларини генетико-цитологик ва биокимёвий баҳолаш усуллар ёрдамида такомиллаштириш» (2012-2016), №ҚХА-8-119 «Чигитида (+)-госсипол миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори кўрсаткичларига эга, касаллик ва зараркунандаларга мажмуавий чидамли бўлган ғўза навини яратиш» (2012-2014), №КА-8-002 «Мураккаб дурагайларда хўжалик учун қимматли белгилар ҳамда биотик ва абиотик омилларга толерантликнинг айрим биокимёвий кўрсаткичлар билан боғлиқлигини ўрганиш асосида генетик жиҳатдан бойитилган ғўза тизмаларини яратиш» (2015-2017), №ҚХ-ЁА-ҚХ-2018-65 «Чигитида (+)-госсипол миқдори юқори ва ғўза тунламига бардошли бўлган ғўза тизмаларини нав даражасига етказиш» (2018-2019) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экологик-географик узоқ ғўза дурагайлари чигити таркибидаги айрим биокимёвий кўрсаткичлар ҳамда касаллик, зараркунандаларга бардошлиликнинг ирсийланиши, шаклланиши ва ўзаро боғлиқлигини аниқлаш асосида қимматли-хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуига эга, биотик омилларга толерант янги бошланғич манбаларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эколого-географик ва генетик узоқ шаклларни дурагайлаш орқали олинган турли авлод дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиш қонуниятларини ўрганиш;

эколого-географик узоқ турли авлод дурагайларида генератив ва вегетатив органлари таркибидаги айрим биокимёвий таҳлилларни амалга ошириш;

F₁-F₂ дурагайларида умумий ва (+)-госсипол миқдори, мойдорлик даражасининг ирсийланиши, ўзгарувчанлигини гибридологик таҳлил қилиш;

лаборатория ва дала шароитларида эколого-географик узоқ ғўза дурагайлари, оила ва тизмаларнинг *Rh.solani*, *Th.basicola*, *X.malvacearum*, *V.dahliae* касалликларига толерантликнинг ирсийланиши ва шаклланишини илмий асослаш;

сунъий, лаборатория ва табиий шароитда ғўза дурагайлари, оила ва тизмаларнинг ғўза тунлами (*Helicoverpa armigera*), ўргимчаккана (*Tetranycus turkestanii*) каби зараркунандаларга бардошлиликни баҳолаш ва генетик жиҳатларини очиб бериш;

эколого-географик узоқ F₂-F₃ ва юқори авлод дурагайларида айрим биокимёвий кўрсаткичларнинг қимматли-хўжалик белгилар билан биотик омилларга бардошлилик даражаси ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

юқори авлод дурагайлари ичидан *Rh.solani*, *Th.basicola*, *X.malvacearum*, *V.dahliae* касалликларига ва *H.armigera*, *T.turkestanii* зараркунандаларига табиий

бардошли ҳамда қимматли-хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуига эга донор ашёларни ажратиб олиш;

янги ўрта толали ғўза навларини яратиш ҳамда ишлаб-чиқаришга татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг ўрта толали *G.hirsutum* L., ингичка толали *G.barbadense* L. турига мансуб айрим маҳаллий навлар, госсиполсиз тизмалар ва чигитида юқори миқдорда (+)-госсипол энантиомерига эга бўлган АҚШ намуналари ҳамда улар иштирокидаги турли авлод дурагайлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини ғўзада эколого-географик ва генетик узоқ шаклларни дурагайлаш услубини қўллаш орқали олинган турли авлод дурагайларида айрим биокимёвий кўрсаткичлар ва қимматли-хўжалик белгиларнинг авлодлар бўйича ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ҳамда трансгрессия жараёнини ўрганиш, турли муҳитларда биотик омилларга толерантликни баҳолаш, уларнинг касаллик ва зараркунандаларга бардошлилик даражаси ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш ҳамда қимматли-хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга ноёб генетик-селекцион ашёларни (дурагайлар, оилалар, тизмалар ва навлар) яратиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, эколого-географик ва генетик жиҳатдан узоқ шаклларни дурагайлаш, реципрок чатиштириш, биокимёвий, қиёсий морфология услублари, фенологик кузатувлар, гибридологик, энтомологик ва фитопатологик таҳлиллар, математик-статистика таҳлилларнинг замонавий усулларида фойдаланилган ҳамда толанинг сифат кўрсаткичлари Uster NVI-1000 қурилмасида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба генератив органларида умумий ва (+)-госсипол миқдори контраст бўлган эколого-географик ва генетик жиҳатдан узоқ ғўза ашёларини дурагайлаш асосида олинган янги трансгрессив дурагайларда қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиш қонуниятлари аниқланган;

эколого-географик ва генетик жиҳатдан узоқ нав-намуналар иштирокида олинган турли авлод дурагайлари чигити таркибидаги эркин аминокислоталар, мойдорлик даражаси, госсипол миқдори ва энантиомерларининг ирсийланиши аниқланган;

эколого-географик ва генетик жиҳатдан узоқ ғўза дурагайларида лаборатория ва дала шароитларида *Rh.solani*, *Th.basicola*, *X.malvacearum* патогенларига толерантликнинг ирсийланиши ва шаклланиши илмий асосланган;

сунъий, лаборатория ва табиий шароитда ғўза дурагайларида ғўза тунлами (*Helicoverpa armigera*)га бардошлилигининг ирсийланиш қонуниятлари очиқ берилган;

эколого-географик узоқ F₂-F₃ ва юқори авлод дурагайларида айрим биокимёвий кўрсаткичларнинг қимматли-хўжалик белгилар билан ҳамда

биотик омилларга бардошлилик даражаси ўртасидаги ўзаро корреляцияси исботланган;

айрим биотик омилларга табиий бардошли, қимматли-хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуига эга янги бошланғич ашёлар ажратиб олинган ҳамда ишлаб чиқариш талабларига мос, генетик жиҳатдан бойитилган янги ўрта толали ғўза навлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эколого-географик ва генетик узоқ дурагайларнинг юқори авлодларидан генетик жиҳатдан бойитилган, айрим биотик омилларга табиий бардошли, чигитида госсипол миқдори кам, мойдорлик даражаси юқори, тезпишар, тола чиқими ва сифати ҳамда ҳосилдорлик компонентлари каби морфоҳўжалик белгиларнинг барқарорлашган ижобий мажмуасига эга ғўза оилалари, тизмалари ажратиб олинган;

эколого-географик ва генетик узоқ шаклларни дурагайлаш асосида ҳосилдор, айрим биотик (гоммоз, вертициллёз вилт, ғўза тунлами, ўргимчаккана) омилларга табиий бардошли, тола чиқими ҳамда сифати юқори бўлган 70 га яқин оилалар ва 20 дан ортиқ Т-7334, Т-760, Т-1288, АИГ-1, АИГ-2 ва АИГ-7 каби тизмалар яратилган;

ишлаб чиқариш талабларига мос, тола сифати IV-типга мансуб, чигитида зарарсиз госсипол миқдори нисбатан юқори, ғўза касалликлари ва тунламга бардошли С-7333, С-7307, “Рақобат” навлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги айрим биотик омилларга табиий толерант генетик-селекцион ашёларнинг яратилишида кўп йиллик дала ва лаборатория тажрибаларининг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, қўлланилган эколого-географик узоқ шаклларни дурагайлаш усули, апробация комиссиялари томонидан юқори баҳоланганлиги, олинган натижаларни назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, экспериментал маълумотларни статистик усуллар билан қайта ишланганлиги, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, ОАК эътироф этган маҳаллий илмий журналларда ва “Scopus” базасида индексацияланган хорижий журналларда чоп этилганлиги, хулосаларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти ғўза ўсимлигида айрим биокимёвий кўрсаткичлар ҳамда гоммоз, илдиз чириш, қора илдиз чириш, ғўза тунлами каби биотик стрессларга толерантликнинг дурагайларда ирсийланиши ва шаклланиши илмий жиҳатдан исботлаб берилган; эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш усулининг морфоҳўжалик белгилари бўйича ижобий рекомбинант ўсимликларни олишда самараси юқорилиги тасдиқланганлиги, белгиларнинг ирсийланиш ва шаклланиш қонуниятлари, биотик омилларга бардошлилик билан айрим биокимёвий кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцияси илмий жиҳатдан асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўзада эколого-географик ва генетик узок дурагайлаш услубини қўллаш асосида янги дурагай комбинацияларни яратилганлиги, генетик жиҳатдан бойитилган, чигитида (+)-госсипол миқдори нисбатан юқори, касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги оилалар ва тизмалар (Т-7334, Т-760, АИГ-1, АИГ-2) ажратиб олинганлиги ва бошланғич манба сифатида генетик-селекцион тадқиқотларда қўллаш учун тавсия этилганлиги, ишлаб чиқариш талабларига мос, чигитида зарарсиз госсипол миқдори ва тола чиқими юқори, биотик омилларга табиий бардошли С-7333, С-7307, “Рақобат” навлари яратилганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эколого-географик узок ғўза дурагайларида биотик омилларга толерантликнинг генетик жиҳатлари ва айрим биокимёвий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эколого-географик ва генетик узок дурагай-комбинацияларнинг F_6 - F_8 бўғинларидан ажратиб олинган айрим биотик (гоммоз, вертициллёз вилт, ғўза тунлами, ўргимчаккана) омилларга табиий бардошли, чигитида нисбатан зарарсиз (+)-госсипол миқдори юқори, ҳосилдор, тола сифати юқори бўлган Т-571/80, Т-772, АИГ-1, АИГ-2 ва Т-7334 тизмалари ЎзМУнинг ноёб объекти бўлган “*G.hirsutum* L. ғўза тури генетик ва цитогенетик коллекцияси”га тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4298-сон маълумотномаси). Натижада, янги ўрта толали ушбу тизмалар ғўза генетик коллекцияси хилма-хиллигини бойитиш имконини берган;

янги “С-7333” ва “С-7307” ғўза навлари Тошкент вилояти Бекобод туманида 9,3 гектар майдонга ҳамда Пискент ва Бўка туманларида эса 6,0 гектар экин майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 02/020-4509-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу навларда Бекобод туманида ҳосилдорлик 3,2-4,7 ц/га юқори бўлиши, 2,5-4,0 % юқори тола олинishi ҳисобига рентабеллик даражасини 30,0-35,0 фоизга ошириш ҳамда Пискент, Бўка туманларида ҳосилдорлиги 4,1-5,6 ц/га юқори бўлиши, 2,9-3,8 % юқори тола олинishi ҳисобига рентабеллик даражасини 29,0-34,0 фоизга ошириш имконини берган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган чигитида зарарсиз (+)-госсипол миқдори ва тола чиқими нисбатан юқори, ғўза касалликларига бардошли С-7333, С-7307, Рақобат навлари ғўза навларининг суперэлита уруғлари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг ғўза генофондига ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг “*G.hirsutum* L. ғўза тури генетик ва цитогенетик коллекцияси”га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 02/020-4509-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд ғўза коллекцияси ва генофонди тезпишарлиги, ҳосилдорлиги, толасининг юқори

сифати ҳамда айрим биотик омилларга бардошлилиги бўйича ажралиб турувчи янги донорлар ва генотиплар билан бойитиш имконини берган;

“С-7333” ғўза навига Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (NAP 00249 2019 йил) олинган ва ушбу нав 15,6 гектар экин майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 3 февралдаги 01-11/277-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу янги ғўза нави районлашган ўрта толали навларга нисбатан айрим қимматли-хўжалик белгилари, гоммоз касаллиги ва ўргимчакканага бардошлилиги бўйича устунлигини намоён этган ҳамда юқори пахта ҳосили олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 9 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та монография босмадан чиқарилган ҳамда ихтирога 2 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Gossypium L.* ғўзада айрим биокимёвий кўрсаткичлар, биотик стресс омилларга бардошлилик ҳамда морфоҳўжалик белгиларни ўрганишга бағишланган адабиётлар таҳлили» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи, жумладан *Gossypium L.* турларида госсипол ва унинг аҳамиятини, госсиполнинг ғўза тунлами (*Helicoverpa armigera*)га таъсирини, ғўзада илдиз чириш, қора илдиз чириш, гоммоз касалликларига бардошлилигини, эколого-географик узок ғўза дурагайларида қимматли ва морфоҳўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва коррелятив боғлиқликларни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар таҳлили бўйича олинган илмий ва амалий натижалар батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказилган жой, унинг шароити, манбаи ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жой, унинг тупроқ-иқлим шароити, метеомальумот, изланишларга жалб этилган бошланғич манбалар ва уларнинг тавсифлари, қўлланилган генетик-селекцион, биокимёвий ва математик-статистик усуллар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «Эколого-географик узоқ ғўза дурагайларида айрим физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлар таҳлили ҳамда белгиларнинг F₁-F₃, юқори авлодда ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши» деб номланган учинчи бобида госсипол миқдори турлича бўлган ғўза дурагайлари, оила ва тизмаларининг лаборатория шароитида унувчанлик даражаси, F₁-F₂ дурагайлари генератив органларидаги умумий госсипол миқдори ва (+)-госсипол энантиомерининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, F₁-F₂ дурагайлари чигити таркибидаги мойдорлик белгисининг ирсийланиши, ажратиб олинган оила ва тизмалар таркибидаги эркин аминокислоталар миқдорининг таҳлили ҳамда вертициллёз вилт патогенига таъсири, генетик жиҳатдан фарқланувчи ғўза дурагайларининг зараркунандаларга чидамлилигини оширишда ферментлар фаоллигининг таъсири бўйича олинган натижалар таҳлили келтирилган.

Тадқиқотларда дастлаб сунъий (химояланган муҳит) шароитда маҳаллий нав, тизмалар ҳамда чигитида юқори (+)-госсиполли АҚШ намуналарининг ғўза тунлами билан зарарланишига таъсири ўрганилиб, таҳлил қилинди. 2018-2019 йилларда эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш услубидан фойдаланилган ҳолда ғўза чигитида юқори (+)-госсипол миқдорига эга АҚШ намуналари ва маҳаллий нав ва тизмалари билан дурагайлаш ишларини ўтказилди ҳамда янги дурагайлар яратилди. Дурагайлашда ғўзанинг маҳаллий селекцион ўрта толали навлари (Гулистон, Султон, Омад, С-8286, С-8290), айрим ингичка толали навлари (Сурхон-14, Сурхон-100, 9871-И) оналик сифатида, АҚШдан келтирилган ВС₃С₁-47-8-1-17, ВС₃С₁-1-6-3-15 намуналар эса оталик сифатида олинган. Чатиштиришдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий ғўза навлари ва тизмаларини дурагайлашдан олинадиган юқори авлод дурагайлари ирсиятига айрим қимматли хўжалик белгиларини, жумладан, эртапишарлик, ҳосилдорлик ва тола сифати белгиларини ҳамда турли абиотик стресс омилларга бардошлилик хусусиятларини ўтказиш ва АҚШ намуналаридан эса келгуси авлод дурагайлари ирсиятига чигити таркибидаги юқори миқдорда (+)-госсипол белгисини ҳамда айрим касалликлар ва зараркунандаларга бардошлилик хусусиятларини ўтказиш кўзда тутилган.

Мазкур бобнинг биринчи бўлимида госсипол миқдори турлича бўлган F₁-F₂ ғўза дурагайлари уруғининг лаборатория шароитида унувчанлик даражаси ва белгининг ирсийланиш коэффициентлари аниқланди. АҚШ намуналари, маҳаллий навлар ҳамда улар иштирокида олинган эколого-географик узоқ F₁ дурагай-комбинацияларнинг лаборатория шароитидаги унувчанлиги турли даражада фарқ қилиши аниқланди. Бунга сабаб, чатиштиришда иштирок этган ота-оналик шакллариининг генотипига боғлиқ равишда белгининг намоён

бўлиши ҳамда дурагай-комбинациялар чигитининг униб чиқиш қуввати ҳам роль ўйнаганлиги тасдиқланди.

Изланишлар натижасида унувчанлик ота-она шаклларига боғлиқ равишда шаклланиши аниқланиб, унувчанлик даражаси чигитдаги (+)-госсипол миқдорида боғлиқ бўлмаган ҳолда ирсийланиши аниқланди. Лаборатория шароитида чигит унувчанлиги белгиси F_1 авлодда салбий тўлиқ доминантлик, ижобий ўта доминантлик ва тўликсиз ҳолда ирсийланганлиги, мазкур қонуниятни иккинчи бўғинда ҳам бироз сақланиб қолганлиги аниқланди. Ўрганилган барча F_2 дурагай-комбинацияларда унувчанлик белгисининг асосан маҳаллий навлар генотипига хос равишда ирсийланиши ва АҚШ намуналарининг сезиларли таъсири кузатилмаганлиги тасдиқланди. F_2 дурагай-комбинацияларда унувчанликни ота-оналик шакллари кўрсаткичларига нисбатан бироз пастроқ бўлиши ва ирсийланиши ушбу авлодларда кучли трансгрессия жараёнини кечишига боғлиқ деб асослаш мумкин.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида эколого-географик ва генетик жиҳатдан узоқ F_1 - F_2 дурагайлари генератив органларидаги умумий госсипол миқдори ва (+)-госсипол энантиомерининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича тадқиқотлар натижалари ва таҳлили келтирилган. Узоқ йиллик тадқиқотларимиз давомида эколого-географик узоқ дурагайларда умумий ва (+) госсипол миқдорининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиш жараёнлари ўрганилиб келинмоқда. Натижада ғўза чигитида госсипол энантиомерларининг миқдори турлича бўлган бир қатор қимматли генетик-селекцион ашёлар яратилиб, дурагай ўсимликларда қимматли-хўжалик белгиларини юқори даражага етказиш, ноёб шаклларни ажратиш олиш ва белгилар барқарорлашувини таъминлаш бўйича ижобий натижаларга эришилди. Ғўза ашёларининг биотик стрессларга бардошлилигини ўрганиш билан бир қаторда уларнинг ота-оналик шаклларидаги ва қуйи авлод дурагайлари чигити таркибидаги госсипол шакли ва миқдорининг генетик жиҳатлари ҳам аниқланди.

Биринчи авлодда (+)-госсипол белгисининг ирсийланиши бўйича доминантлик коэффиценти таҳлил қилинганда, F_1 Турон х $BC_3S_1-1-6-3-15$, F_1 Турон х $BC_3S_1-47-8-1-17$, F_1 Сурхон-14 х $BC_3S_1-1-6-3-15$, F_1 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ дурагай-комбинацияларида кўрсаткичлар $hp=1,14$; $hp=1,22$; $hp=1,20$; ва $hp=1,10$; ни ташкил этиб, ўта доминантлик ҳолатида, F_1 9871-И х $BC_3S_1-47-8-1-17$ комбинациясида эса $hp=1,03$ коэффицентини ташкил этган ҳолда тўлиқ доминантлик ҳолатида ирсийланганлиги аниқланди. Дурагайларда белгининг ирсийланиши юқори (+)-госсипол миқдорида эга АҚШ намуналари генотипи таъсири остида ирсийланиши ва F_1 бўғин дурагайлари чигитида мусбат госсипол энантиомери белгисининг юқори бўлиши таъминланди (1-жадвал).

Шунингдек, эколого-географик узоқ F_1 дурагайлари чигити таркибидаги умумий госсипол миқдорини таҳлили амалга оширилди. Умумий госсипол миқдори бўйича F_1 С-6530 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ ва F_1 9871-И х $BC_3S_1-47-8-1-17$ дурагай-комбинациялари бошқа дурагайларга нисбатан энг юқори натижа, 5,44; 6,0 мг/г кўрсаткични қайд этди. Белги бўйича энг паст натижа эса F_1 Т-1004 х

BC₃S₁-47-8-1-17, F₁Сурхон-100 x BC₃S₁-47-8-1-17 ва F₁Сурхон-14 x BC₃S₁-1-6-3-15 дурагай-комбинацияларида аниқланди (тегишли равишда 1,35; 1,37; 1,37 мг/г). Умумий госсипол микдорининг биринчи авлодда ирсийланиши бўйича доминантлик коэффициенти таҳлил қилинганда, аксарият дурагай-комбинацияларда ўта доминантлик ва гетерозис ҳолатида ирсийланиш намоён бўлганлиги қайд этилди. Жумладан, F₁C-6524 x BC₃S₁-1-6-3-15, F₁C-6530 x BC₃S₁-47-8-1-17, F₁C-6530 x BC₃S₁-1-6-3-15 ва F₁9870-И x BC₃S₁-47-8-1-17 дурагай-комбинацияларида энг юқори коэффициентлар - $h_p=13,9$; $h_p=14,1$; $h_p=22,4$; ва $h_p=15,6$; ни ташкил этди.

1-жадвал

Эколого-географик узок F₁ дурагайларида (+)-госсипол белгисининг ирсийланиши

№	Дурагай-комбинациялар	n	M±m, %	σ	V%	h_p
1.	F ₁ Турон x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	98,0±0,42	0,60	2,61	1,22
2.	F ₁ Турон x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	95,0±0,32	0,46	1,48	1,14
3.	F ₁ Бухоро-8 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	85,3±0,33	0,47	1,55	0,60
4.	F ₁ Бухоро-8 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	94,8±0,25	0,36	0,38	1,10
5.	F ₁ Сурхон-100 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	89,1±0,31	0,44	1,50	0,82
6.	F ₁ Сурхон-100 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	91,2±0,41	0,58	2,64	0,91
7.	F ₁ Сурхон-14 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	91,0±0,39	0,56	1,61	0,90
8.	F ₁ Сурхон-14 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	98,0±0,50	0,70	2,72	1,20
9.	F ₁ 9871-И x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	93,4±0,28	0,40	1,42	1,03
10.	F ₁ 9871-И x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	89,2±0,53	0,75	3,84	0,82
11.	F ₁ Омад x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	89,1±0,49	0,70	2,78	0,78
12.	F ₁ Омад x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	91,0±0,41	0,58	1,64	0,80
13.	F ₁ Гулистон x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	86,5±0,49	0,69	2,80	0,68
14.	F ₁ Гулистон x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	88,0±0,57	0,82	3,93	0,73
15.	F ₁ Султон x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	84,7±0,53	0,75	3,89	0,33
16.	F ₁ Султон x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	85,2±0,33	0,47	1,55	0,35
17.	F ₁ C-8286 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	91,3±0,43	0,62	1,68	0,88
18.	F ₁ C-8286 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	92,5±0,26	0,37	2,40	0,93
19.	F ₁ C-8290 x BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	20	89,6±0,58	0,83	3,93	0,78
20.	F ₁ C-8290 x BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	20	91,8±0,42	0,60	2,65	0,88

Эколого-географик узок F₂ дурагайлари чигити таркибидаги мусбат (+)-госсипол энантиомери белгисининг ирсийланиш коэффициенти $h^2=-0,02$ дан $h^2=0,99$ гача эканлиги қайд этилди, бу эса таҳлил қилинган ушбу белгининг 2,0-99,0 фоизи дурагай-комбинацияларнинг генотиби, 1,0-98,0 фоизи эса ташқи муҳит таъсирида ирсийланишини кўрсатади. Мазкур белги бўйича энг паст натижа F₂C-8286 x BC₃S₁-1-6-3-15, F₂Турон x BC₃S₁-1-6-3-15, F₂Бухоро-8 x BC₃S₁-47-8-1-17 ва F₂C-8286 x BC₃S₁-1-6-3-15 дурагай-комбинацияларда қайд этилиб ($h^2=0,02$), ирсийланиш деярли кузатилмади, яъни ташқи муҳит таъсирида намоён бўлди. Белгининг ирсийланиши бўйича энг юқори кўрсаткич F₂Бухоро-8 x BC₃S₁-1-6-3-15 ва F₂Сурхон-14 x BC₃S₁-1-6-3-15 дурагай-комбинацияларида намоён бўлганлиги (ирсийланиш коэффициенти - $h^2=0,99$;

$h^2=0,84$) аниқланди. Бу эса мазкур белгининг 84,0-99,0 фоизи оталик сифатида қатнашган АҚШ намуналарининг генотипига, 1,0-16,0 фоизи эса ташқи муҳит таъсирида авлоддан-авлодга берилишини яхши тасдиқлайди (2-жадвал).

2-жадвал


Эколого-географик узок F_2 дурагайларида (+)-госсипол белгисининг ирсийланиши

№	Дурагай-комбинациялар	n	$M \pm m, \%$	σ	V%	h^2
1.	F_2 Турон х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	62,0±0,42	0,60	10,97	-0,05
2.	F_2 Турон х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	67,0±0,41	0,58	8,87	-0,02
3.	F_2 Бухоро-8 х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	62,0±0,47	0,67	11,09	0,02
4.	F_2 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	64,0±0,76	1,08	7,68	0,99
5.	F_2 Сурхон-100 х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	65,0±0,43	0,60	10,93	-0,06
6.	F_2 Сурхон-100 х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	69,0±0,70	0,99	9,44	0,45
7.	F_2 Сурхон-14 х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	75,0±0,42	0,60	9,80	-0,05
8.	F_2 Сурхон-14 х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	79,0±0,78	1,10	6,39	0,84
9.	F_2 9871-И х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	60,0±0,19	0,28	9,46	-0,03
10.	F_2 9871-И х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	75,0±0,41	0,58	7,78	-0,06
11.	F_2 Омад х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	69,0±0,37	0,53	8,77	-0,11
12.	F_2 Омад х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	71,0±0,50	0,70	6,99	-0,04
13.	F_2 Гулистон х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	66,0±0,37	0,52	9,79	-0,05
14.	F_2 Гулистон х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	68,0±0,26	0,37	8,54	-0,04
15.	F_2 Султон х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	74,0±0,42	0,60	11,81	-0,06
16.	F_2 Султон х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	75,0±0,36	0,51	10,68	-0,03
17.	F_2 C-8286 х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	71,3±0,40	0,57	8,80	-0,04
18.	F_2 C-8286 х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	72,0±0,47	0,67	7,94	0,06
19.	F_2 C-8290 х $BC_3S_1-47-8-1-17$	40	69,6±0,60	0,84	9,22	0,12
20.	F_2 C-8290 х $BC_3S_1-1-6-3-15$	40	71,8±0,46	0,65	7,91	0,02

Мусбат госсипол микдорининг F_2 дурагайларида ўзгарувчанлигини аниқлаш учун вариацион қатор тузилиб таҳлил қилинди. Мусбат госсипол энантиомерининг энг юқори кўрсаткичи F_2 Бухоро-8 х $BC_3S_1-47-8-1-17$ ва F_2 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ дурагай-комбинацияларида 85,4 ва 84,7 фоизни ташкил этди. Натижалар шуни кўрсатдики, чигитдаги (+)-госсипол микдори гултожибаргдагига нисбатан 4,0% га кам бўлган, аммо F_2 дурагай - комбинациялари орасида кучли трансгрессия жараёни кетди ва шунинг учун чигитидаги (+)-госсипол микдори 53,0% дан 96,6% гача фарқланиши кузатилди. Нисбатан паст кўрсаткич (66,6%) F_2 T-1604 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида қайд этилди, қолган барча комбинацияларда белги бўйича кўрсаткич 74,8-79,6% оралиғида жойлашди. Ўрганилган дурагайларда дисперсия коэффициентлари бўйича энг юқори кўрсаткич (сигма=16,6%) F_2 Турон х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида қайд этилган ҳолда, энг паст дисперсия эса (сигма=9,6%) F_2 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида аниқланди. Ўзгарувчанлик амплитудаси бўйича F_2 Турон х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида энг юқори вариация (V=22,3%) намоён бўлди. F_2 Бухоро-8 х $BC_3S_1-1-6-3-15$ дурагайида нисбатан паст (V=14,2%) вариация кузатилди.

Ижобий трансгрессия натижасида чигитида зарарсиз госсипол миқдори 96,0% дан юқори бўлган рекомбинантлар ҳам ажралиб чиқди.


Мазкур бобнинг учинчи бўлимида тадқиқотларимизда эколого-географик узок шаклларни дурагайлаш асосида олинган F_1 - F_2 дурагайлари чигити таркибидаги мойдорлик белгисининг ирсийланиши бўйича олинган натижалари таҳлил қилинди. Ота-оналик шакллари сифатида олинган навлар ва намуналар чигитидаги мойдорлик даражаси 18,4-24,0% ораликда бўлиб, юқори кўрсаткич (24,0%) BC_3S_1 -1-6-3-15 АҚШ намунасида ва энг паст кўрсаткич (18,4%) Султон навида қайд этилди. Ғўзанинг F_1 дурагай-комбинацияларида эса чигит мойдорлиги 21,3-25,3% гача ораликда бўлганлиги аниқланди. Мазкур бўғинда энг юқори натижа (25,3%) F_1 Омад х BC_3S_1 -1-6-3-15 комбинациясида, энг паст натижа эса (21,3%) F_1 Ғулистон х BC_3S_1 -47-8-1-17 комбинациясида қайд этилди (1-расм).



1-расм. F_1 дурагайларида чигит мойдорлиги белгисининг ирсийланиши, 2019 й.

Шунингдек, эколого-географик узок F_1 дурагайларида чигит мойдорлиги белгисининг ирсийланиши таҳлил қилинганда, ўрганилган 10 та дурагай-комбинацияларнинг 1 тасида ўта доминантлик - $h_p=2,5$ (F_1 Омад х BC_3S_1 -1-6-3-15), 2 тасида тўлиқ доминантлик - $h_p=1,0$; $h_p=1,2$ (F_1 C-8286 х BC_3S_1 -47-8-1-17, F_1 C-8286 х BC_3S_1 -1-6-3-15) ва қолган барча дурагай-комбинацияларда тўлиқсиз доминантлик ($h_p=0,3$ - $0,9$) ҳолатида ирсийланиш коэффициентлари аниқланди. F_1 дурагайларида белгининг намоён бўлишида асосан оталик сифатида иштирок эткан BC_3S_1 -1-6-3-15 АҚШ намунасини генотипига хос равишда чигит мойдорлиги юқори бўлди. Бу эса ушбу ҳолатда белгининг доминант генлар таъсирида юзага чиққанлигини кўрсатди ҳамда чигити таркибида юқори миқдорда мойдорликка эга бўлган генотипларни ажратиб олиш имкониятини берди.

Эколого-географик узоқ F_2 дурагай-комбинацияларида чигит мойдорлиги белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги ҳам таҳлил қилинди. Эколого-географик узоқ F_2 дурагай-комбинацияларда белги бўйича энг юқори натижа F_2 Омад х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида кузатилиб, чигит мойдорлиги 24,8%, энг паст натижа эса F_2 Гулистон х $BC_3S_1-47-8-1-17$ комбинациясида 20,6% миқдорда эканлиги қайд этилди. Белгининг ирсийланиш коэффициентини $h^2=0,37$ дан $h^2=0,82$ гача бўлганлиги қайд этилди, бу эса таҳлил қилинган ушбу белгининг 37,0-82,0 фоизи комбинацияларнинг генотиби, 18,0-63,0 фоизи эса ташқи муҳит таъсирида ирсийланиши маълум бўлди. Энг юқори кўрсаткич F_2 Омад х $BC_3S_1-1-6-3-15$ комбинациясида $h^2=0,82$ аниқланди. Қолган аксарият комбинацияларда оралик ирсийланиш қайд этилди. Ушбу авлодда ўзгарувчанлик амплитудаси 17,4-22,4% гача ташкил қилганлиги ва белги бўйича кучли трансгрессия жараёни кечганлиги маълум бўлди. Бу авлодда ҳам биринчи авлоддаги каби оталик сифатида иштирок этган $BC_3S_1-1-6-3-15$ АҚШ намунасини генотипига мос равишда дурагайларда чигит мойдорлиги юқори бўлиши сақланиб қолганлиги аниқланди (2-расм).




2-расм. F_2 дурагайларида чигит мойдорлиги белгисининг ирсийланиши, 2020 й.

Юқоридаги тадқиқот натижалари ва таҳлили асосида дурагайларнинг биринчи авлодида чигит мойдорлиги белгиси тўлиқсиз, тўлиқ ва ўта доминантлик даражасида ирсийланди. Демак, туричи чагиштиришлардан олинган F_1 дурагайларида белгининг доминант генлар таъсирида намоён бўлиши, F_2 дурагайларида эса чигит мойдорлиги генларнинг комплементар таъсири остида юзага чиқиши ҳамда белгининг полиген тарзда ирсийланиши хулоса қилинди.

Мазкур бобнинг “Ажратиб олинган оила ва тизмалар таркибидаги эркин аминокислоталар миқдорининг таҳлили ҳамда вертициллёз вилт патогенига таъсири” деб номланган бўлимида асосан госсиполнинг (-)-энантиомери патогенларга нисбатан токсик эканлигини инобатга олиб, турли авлод дурагайлардаги эркин аминокислоталар миқдорининг вертициллёз вилт патогенига таъсири ва толерантлиги таҳлил қилинди. Андоза С-6524 навида бардошлилик даражаси 73,6% га тенг бўлди. Ўрганилган Т-7334 тизмаси вертициллёз вилт патогенига нисбатан бардошлиликни (94,2%) намоён этган ҳолда энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди. Ушбу тизманинг соғлом ўсимликларида эркин аминокислоталар умумий миқдори 33,4 мг/г ни, касалланган ўсимликларида эса 39,1 мг/г ни ташкил этди. Яъни Т-7334 тизмаси ўсимликлари касалликка чалинганда эркин аминокислоталар миқдорининг ошиши ва фаоллашувидан далолат берди. Вертициллёз вилт (*Verticillium dahliae*) патогенига толерант тизмаларда аминокислоталардан асосан аргинин, гистидин, пролин, метионин ва цистеин миқдори юқори эканлиги аниқланди. Касалланган ўсимликларда эса аминокислоталардан аспарагин, глутамин ва треонин миқдорининг пасайганлиги қайд этилди (3-расм).

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ўрганилган чигити таркибида умумий ва +/- госсипол энантиомерлари миқдори турлича бўлган дурагайлар ва тизмаларни *Verticillium dahliae* Kleb. патогенига бардошлилик даражасига эркин аминокислоталар умумий миқдорининг ҳамда аргинин, гистидин, пролин, метионин ва цистеин миқдорининг ошиши уларнинг касалликка бўлган бардошлилигини ортишига олиб келишини тасдиқлади.



3-расм. Экологик-географик узоқ ғўза дурагайлари, оила ва тизмаларидаги эркин аминокислоталар миқдорининг вилт касаллигига таъсири, мг/г

Мазкур бобнинг “Генетик жиҳатдан фарқланувчи ғўза дурагайларининг зараркундаларга чидамлилигини оширишда ферментлар фаоллигининг таъсири” деб номланган бўлимида эколого-географик узоқ F₃ дурагайларининг баргларидаги ферментактив фаолликлари ЎзРФА БОКИ билан ҳамкорликда ўрганиш орқали олинган натижалар таҳлили келтирилди. Олинган тадқиқот натижалари таҳлил қилинганда, полифенол-оксидаза фаоллиги (1 г. баргда) иккала вақт мобайнида энг юқори кўрсаткич (159,9 ва 360,1 мг/г) F₃C-8286 х ВС₃S₁-1-6-3-15 дурагай-комбинациясида аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Эколого-географик узоқ F₃ дурагайларида уреаза, пероксидаза, полифенолоксидаза ва фенилаланинлиаза фаолликлари

№	Дурагай-комбинациялар	Полифенол-оксидаза фаоллиги (1 г. баргда)		Пероксидаза фаоллиги (1 г. баргда)		Уреаза фаоллиги (1 г. баргда)	PAL-фаоллиги (1 г. баргда)
		30 сек	60 сек	30 сек	60 сек		
1.	F ₃ Турон х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	128,0	284,7	95,2	127,1	8,6	0,39
2.	F ₃ Турон х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	50,7	114,3	65,6	121,0	16,3	0
3.	F ₃ Бухоро-8 х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	88,8	216,0	89,8	167,3	0	0,61
4.	F ₃ Бухоро-8 х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	82,1	181,8	99,1	166,5	6,7	0,05
5.	F ₃ Сурхон-100 х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	115,1	268,8	145,1	269,8	24,1	1,26
6.	F ₃ Сурхон-100 х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	104,6	244,4	103,9	166,7	6,0	0
7.	F ₃ Сурхон-14 х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	40,3	102,6	53,0	86,0	6,9	0
8.	F ₃ Сурхон-14 х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	46,8	128,6	64,3	103,3	15,6	1,34
9.	F ₃ 9871-И х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	74,0	159,2	73,9	136,7	2,0	0
10.	F ₃ 9871-И х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	147,0	328,4	124,1	277,5	21,9	0,98
11.	F ₃ Омад х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	125,3	286,0	236,4	381,4	31,3	1,44
12.	F ₃ Омад х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	110,1	250,4	105,7	156,9	8,5	0
13.	F ₃ Гулистон х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	144,7	316,7	90,8	164,0	26,4	0,38
14.	F ₃ Гулистон х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	103,1	248,4	70,4	130,6	11,8	0
15.	F ₃ Султон х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	64,3	163,0	51,0	88,6	18,2	0
16.	F ₃ Султон х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	104,0	241,2	62,7	104,0	14,7	0
17.	F ₃ C-8286 х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	159,9	360,1	84,0	121,7	0	0,68
18.	F ₃ C-8286 х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	85,8	227,2	158,2	278,4	1,2	1,15
19.	F ₃ C-8290 х ВС ₃ S ₁ -1-6-3-15	81,2	218,6	74,6	123,1	7,8	0,80
20.	F ₃ C-8290 х ВС ₃ S ₁ -47-8-1-17	60,4	144,3	54,5	97,4	10,5	1,29
21.	C-6524 (андоза)	71,7	176,7	69,2	115,3	1,2	0,83
	ЭКФ _{0,5=}	0,90	2,44	3,20	2,54	0,51	0,24


Энг паст кўрсаткич эса (40,3 ва 102,6 мг/г) F₃Сурхон-14 х ВС₃S₁-47-8-1-17 дурагай-комбинациясида қайд этилди. Шунингдек, 30 сек. мобайнида F₃Турон х ВС₃S₁-1-6-3-15 (128,0 мг/г), F₃Сурхон-100 х ВС₃S₁-1-6-3-15 (115,1 мг/г), F₃9871-И х ВС₃S₁-1-6-3-15 (147,0 мг/г), F₃Омад х ВС₃S₁-1-6-3-15 (125,3 мг/г) ва F₃Гулистон х ВС₃S₁-1-6-3-15 (144,7 мг/г) комбинацияларида полифенол-оксидаза фаоллиги бошқаларга нисбатан юқорилигини кўрсатди. Пероксидаза

фаоллиги бўйича ҳар иккала вақт мобайнида энг юқори натижа (236,4; 381,4 мг/г) F₃Омад х ВС₃S₁-1-6-3-15 комбинациясида аниқланди. Уреза фаоллиги F₃Сурхон-100 х ВС₃S₁-1-6-3-15, F₃9871-И х ВС₃S₁-1-6-3-15, F₃Омад х ВС₃S₁-1-6-3-15 ва F₃Гулистон х ВС₃S₁-1-6-3-15 комбинацияларида энг юқори натижани (24,1; 21,9; 31,3 ва 26,4 мг/г) ташкил этди. PAL-фаоллиги бўйича эса F₃Омад х ВС₃S₁-1-6-3-15 (1,44 мг/г) ва F₃Сурхон-14 х ВС₃S₁-1-6-3-15 (1,34 мг/г) комбинациялари энг юқори натижани намоён этди. Умуман олганда, 4 хил фермент фаоллиги бўйича ҳам энг юқори натижа F₃Сурхон-100 х ВС₃S₁-1-6-3-15, F₃9871-И х ВС₃S₁-1-6-3-15, F₃Омад х ВС₃S₁-1-6-3-15 комбинацияларида аниқланди. Демак, ушбу тадқиқотлар дурагайларнинг вертициллёз вилт замбуруғига нисбатан бардошли эканлигини ва олинган аввалги натижаларимизни тасдиқлади. Тадқиқотлар натижалари асосида эколого-географик узок шаклларни дурагайлаш услуби орқали яратилган ашёларнинг лаборатория шароитида биокимёвий таркибини аниқлаш орқали қисқа вақт ичида таҳлил қилиш ҳамда уларнинг турли биотик омилларга бардошлилигини ошириш имкониятини яратади.

Диссертациянинг «**Чигитида госсипол шакллари ва миқдори турлича бўлган эколого-географик узок дурагайларида айрим патогенларга ва ҳашаротларга толерантликнинг ирсийланиши**» деб номланган тўртинчи бобида эколого-географик узок F₁-F₂ дурагайларнинг илдиз чириш (*Rhizoctonia solani*) касаллигига, қора илдиз чириш (*Thielaviopsis basicola*) касаллигига ва гоммоз (*Xanthomonas malvacearum*) касаллигига толерантлиги, чигитида умумий ва (+)-госсипол миқдори турлича бўлган F₁-F₂ дурагайларининг ғўза тунламига (*Helicoverpa armigera*) бардошлилигини ирсийланиши ҳамда табиий шароитда чигитида (-)-госсипол миқдори юқори F₂-F₃ дурагайлари айрим ғўза тизмаларнинг ўргимчакканага (*Tetranychus turkestanii*) бардошлилик даражаси бўйича олинган натижалар келтирилган ва таҳлил қилинган.

Биринчи авлодда гоммоз (*Xanthomonas malvacearum*) касаллигига толерантлик даражаси бўйича доминантлик коэффициентлари таҳлил қилинганда, чигитида умумий госсипол миқдори нисбатан кўп бўлган F₁Гулистон х ВС₃S₁-47-8-1-17, F₁С-8286 х ВС₃S₁-47-8-1-17 ва F₁С-8286 х ВС₃S₁-1-6-3-15 дурагай-комбинацияларида кўрсаткичлар $hp=-1,05$; $hp=-1,02$ ва $hp=-0,99$ натижани ташкил этиб, салбий тўлиқ доминантлик ҳолатида ирсийланиши ҳамда F₁С-8290 х ВС₃S₁-47-8-1-17, F₁С-8290 х ВС₃S₁-1-6-3-15 ва F₁Гулистон х ВС₃S₁-1-6-3-15 комбинацияларда эса кўрсаткичлар $hp=-0,44$; $hp=-0,38$ ва $hp=-0,68$ натижани ташкил этиб, салбий тўлиқсиз доминантлик ҳолатида ирсийланиши аниқланди. Дала шароитида ўрганилган дурагайларда гоммоз (*Xanthomonas malvacearum*) касаллигига бардошлиликнинг юқори бўлиши чигитидаги умумий госсипол миқдорининг кўп ёки кам бўлишига бевосита боғлиқ эканлиги тасдиқланди (4-расм).

Шу билан бирга, дала шароитида ўрганилган эколого-географик жиҳатдан узок F₂ ўсимликларида гоммоз (*Xanthomonas malvacearum*) касаллигига толерантлик даражаси бўйича ирсийланиш коэффициенти ҳам таҳлил қилинди.




4-расм. Эколого-географик узоқ F₁ дурагайларида гоммоз касаллигига (*X.malvacearum*) толерантлик даражасининг ирсийланиши

